

Почта жўнатмаларини Ягона миллий тизимдан фойдаланган ҳолда йўллаш юзасидан

3 -сон ШАРТНОМА

Андижон ш.

«3» 01 2022 йил

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Андижон филиали бундан буён “Бажарувчи” деб аталадиган, ишончнома асосида ҳаракат қилувчи директор В. Ложинев бир томондан ва Авд. Вил. Транспорт бошқ. номидан, бундан буён “Буюртмачи” деб аталадиган, Исмаилов асосида иш юритувчи Ҳ. Маширамов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар ва имзоладилар.

I. Шартнома шартлари

1.1. Ушбу шартномага биноан “Буюртмачи” турли хил хат-хабарларини, хабарномаларини, чақирув қоғозларини ва бошқа юридик ҳужжатларини (бундан буён матнда почта жўнатмалари деб аталади) электрон шаклда Ягона миллий тизим орқали тақдим этишни, ушбу почта жўнатмаларда олувчиларнинг манзил реквизитлари “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари”да белгиланган тартибда кўрсатилишини, электрон шаклда келиб тушган почта жўнатмаларини қоғоз кўринишида чоп этиш, уни конвертга жойлаштириш ва олувчиларга етказиб бериш хизматлари учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. “Бажарувчи” Ягона миллий тизимдан электрон шаклда келиб тушган почта жўнатмаларини олувчининг манзилига яқин бўлган почта алоқаси боғламасида қоғоз кўринишида чоп этиб, уни махсус конвертга жойлаштирган ҳолда олувчиларга белгиланган назорат муддатларида етказиб беришни, почта жўнатмалари етказиб берилганлиги ёки етказиб берилмаганлиги сабаблари ва бошқа маълумотларни мунтазам равишда Ягона миллий тизимга киритилиб борилишини ўз зиммасига олади.

II. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

“Бажарувчи”дан почта жўнатмаларини белгиланган назорат муддатларида олувчиларга етказиб беришни;

ҳар ойда жўнатилган ва етказиб берилган, шунингдек олувчиларга маълум бир сабабларга кўра етказиб берилмаган почта жўнатмалар бўйича ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этишни;

почта жўнатмалари етказиб берилганлиги ёки берилмаганлиги тўғрисида маълумотларни Ягона миллий тизимга ўз вақтида киритилиб борилишини талаб қилиш.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

“Бажарувчи”га почта жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 9 октябрдаги 637-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан юбориш;

почта жўнатмаларда олувчиларнинг манзил реквизитлари тўлиқ ёзилиши;

мазкур шартноманинг 4.3-бандида белгиланган тартибда “Бажарувчи”нинг хизмати учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

ҳар ойда бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактурани “Бажарувчи” томонидан топширилган вақтдан бошлаб 5 иш куни ичида имзолаш ва ушбу ҳужжатларнинг бир нусхасини “Бажарувчи”га қайтариш;

агар бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактурага эътирозлар мавжуд бўлса, унинг сабабларини кўрсатган ҳолда “Бажарувчи”га 3 иш куни ичида қайтаради. Акс ҳолда, далолатнома қабул қилинган ва хизмат кўрсатилган деб ҳисобланади.

2.3. “Бажарувчи”нинг ҳуқуқлари:

“Буюртмачи”дан ушбу шартномада белгиланган тартибда ва миқдорда тақдим этилган хизматлар учун тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

почта жўнатмаларни етказиб бериш учун зарур бўлган манзил маълумотлари етарли бўлмаган ёки нотўғри кўрсатилган тақдирда “Буюртмачи”дан почта жўнатмаларни қабул қилишдан бош тортиш (Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 83-банди);

агар почта жўнатмасида кўрсатилган манзил реквизитларга биноан олувчининг шахсан ўзига топширишнинг иложиси бўлмаса, у ҳолда олувчининг вояга етган оила аъзоларига топшириш.

2.4. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 9 октябрдаги 637-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан почта жўнатмаларини қабул қилиш;

почта жўнатмалари Ягона миллий тизимга соат 12:00 гача келиб тушган тақдирда, шу куннинг ўзида чоп этиб, тегишли манзиллар бўйича юбориш, соат 12:00 дан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари келиб тушган тақдирда, кейинги иш куни чоп этиб, тегишли манзилларга юбориш;

почта жўнатмаларини олувчиларга белгиланган назорат муддатларида, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида – Д+2 кун, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги туман(шаҳар) марказларида – Д+3 кун, Бошқа аҳоли яшаш пунктларида – Д+4 кун ичида етказиб бериш (*Д-почта жўнатмаларни Ягона миллий тизим орқали қабул қилинган кун, назорат муддатларига дам олиш ва байрам кунлари кирмайди*);

ҳар ойда жўнатилган ва етказиб берилган, шунингдек олувчиларга маълум бир сабабларга кўра етказиб берилмаган ва қайтарилган почта жўнатмалар бўйича ҳисоботларни ўз вақтида “Буюртмачи”га тақдим этиш;

ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасигача бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактурани “Буюртмачи”га тақдим этиш;

Ягона миллий тизимга почта жўнатмаларни етказиб берилганлиги ёки етказиб бермаганлиги тўғрисида маълумотларнинг ўз вақтида киритиб бориш;

олувчи ёки оиланинг катта ёшдаги аъзолари бўлмаганлиги сабабли кўрсатилган почта жўнатмаларини топширишнинг имкони бўлмаганда абонент почта қутигасига ёки абонент почта қутиси бўлмаган тақдирда олувчининг эшигига 22-шакл хабарномани қолдириш (Ушбу хабарнома почта жўнатмаларини олиш учун почта алоқаси объектига олувчини тақлиф этиш мақсадида қолдирилади);

почта жўнатмаларини олувчиларга етказиб беришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда етказиб берилмаганлик сабабларини кўрсатган ҳолда 20-шакл маълумотномани расмийлаштириш:

- 1 – олувчи вафот этган;
- 2 – олувчи (оиласи) кўрсатилган манзил бўйича яшамайди ёки вақтинча яшамайди;
- 3 – олувчининг манзили тўлиқ (уйнинг рақами, аҳоли пункти, кўча номи ва бошқалар) кўрсатилмаган;
- 4 – олувчи почта жўнатмасини олишдан воз кечди;
- 5 – олувчи уйида бўлмаган, уйига хабарнома қолдирилган, почта жўнатмасини олиш учун почта алоқаси объектига келмаган.

Қоғоз кўринишида чоп этилган почта жўнатмаларни қабул қилувчиларга етказиб беришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда почта жўнатмалари почта алоқаси боғламасида олти ой давомида сақланади.

Сақлаш муддати тугаганидан сўнг ҳужжатлар уларни жўнатган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг талабларига биноан қайтарилади, талаб килиб олинмаган хат-хабарлар ва ҳужжатлар тегишли далолатнома тузилиб, йўқ қилинади.

III. Томонларнинг ўзаро алоқалари

3.1. “Буюртмачи” почта жўнатмаларини олувчининг манзил реквизитлари ёзилган 103-шакл рўйхат асосида Ягона миллий тизими орқали юборади.

3.2. “Бажарувчи” Ягона миллий тизимга электрон шаклда келиб тушган почта жўнатмаларини қоғоз кўринишда чоп этади, уни махсус конвертга жойлаштиради ва олувчига етказиб беради.

3.3. Почта жўнатмасида олувчининг манзил реквизитлари “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш коидалари”нинг 83-банди талабларига мувофиқ бўлиши ва қуйдагиларни ўз ичига олиши керак:

- олувчининг номи (жисмоний шахслар учун – фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахслар учун – юридик шахснинг тўлиқ номи);
- вилоят номи;
- туман номи;
- кўчанинг номи, уй рақами, хонадон рақами;
- почта индекси;
- олувчининг телефон рақами.

Манзилда қисқартирилган номлар, шунингдек манзилга доир бўлмаган белгилар бўлмаслиги керак.

3.4. “Буюртмачи” манзил реквизитларининг тўғри ёзилганлигига ҳамда почта жўнатмасининг жойланмасига жавобгар.

3.5. Почта жўнатмаларини қабул қилувчиларга қайта етказиб бериш жараёнида янги 103-ш. рўйхат тузилади ва “Буюртмачи”нинг биринчи 103-ш. рўйхатида белги қўйилади, белгиланган тарифларга мувофиқ ҳақ тўланади.

IV. Нархлар ва тўлаш тартиблари

4.1. Шартноманинг тахминий суммаси ҚҚС билан: 402000 сўмни ташкил қилади.

№	Хизматнинг номи	Миқдори	Нархи ҚҚС билан	Жами ҚҚС билан
1.	Почта жўнатмаларини қоғоз кўринишида чоп этиш, уни конвертга жойлаштириш ва олувчиларга етказиб бериш (уч дона босма варақ)	67	6000 сўм	402000

4.2. Агар босма варақ сони учдан кўп булса, кейинги ҳар бир варақ учун 200 сўм кўшилади.

Кўрсатилган хизматлар учун тўлов қўйдаги тартибда амалга оширилади:

4.3. “Буюртмачи” ушбу шартнома Молия вазирлигининг Ғазначилиги руйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни давомида “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига шартнома суммасининг 30 % миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади.

4.4. “Бажарувчи” ҳар ойнинг 5-санасига қадар “Буюртмачи”га бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

4.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактураси тақдим этилгандан сўнг “Буюртмачи” томонидан 10 иш куни ичида амалга оширилади.

4.6. “Бажарувчи”нинг айби билан хизматларни кўрсатиш имкони бўлмаса “Бажарувчи” олдиндан тўланган маблағни қайтариб беришни ўз зиммасига олади.

4.7. “Буюртмачи” тақдим этилган бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактурани 5 иш куни ичида имзолаши ёки имзолашдан асосли рад этиш керак.

4.8. “Бажарувчи” “Буюртмачи”дан бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномага берилган эътирозларни олган кунидан бошлаб 3 (уч) иш кун ичида кўриб чиқади. Агарда берилган эътирозлар билан рози бўлса “Бажарувчи” тақдим этган эътирозларни инобатга олган ҳолда, бажарилган ишлар тўғрисида далолатномани тайёрлайди ва “Буюртмачи”га тақдим этади.

4.9. Агар “Бажарувчи” тақдим этилган эътирозларга рози бўлмаса, ҳар бир Томоннинг вакилларида иборат бўлган ишчи гуруҳ тузилади ва улар 5 (беш) иш куни ичида ҳар бир Томондан бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб чиқиб, текшириши лозим. Текширувдан сўнг ҳар икки томон учун бажарилиши мажбурий бўлган ҳулоса чиқарилади.

4.10. Бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактура имзолангандан сўнг, “Буюртмачи” 3(уч) иш куни ичида “Бажарувчи” билан ўзаро ҳисоб – китобларни амалга оширади.

4.11. Ўзбекистон Республикасида база ҳисоблаш миқдори ошганида, шунингдек нарх ва тарифлар ўзгарганда “Бажарувчи” “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда почта жўнатмаларнинг етказиб бериш нарҳини ўзгартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бундай ҳолларда Томонлар ушбу шартномага қўшимча келишув тузади.

4.12. Кўрсатилган хизматлар учун мазкур шартноманинг 4.1-бандида белгиланган суммадан ошган суммани “Буюртмачи” “Бажарувчи”га тўлаб бериш мажбуриятини олади.

V. Шартноманинг бажарилиши

5.1. Шартноманинг шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ равишда расмийлаштирилиши керак. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган тақдирда, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

5.3. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш санаси ҳисоб-фактурани тақдим этиш санаси ва етказиб берилган почта жўнатмаларнинг ҳақиқий ҳажмлари тўғрисидаги тегишли ойлик солиштириш далолатномаларини имзолаш санаси ҳисобланади.

VI. Томонларнинг масъулияти

6.1. “Буюртмачи” “Бажарувчи”нинг хизматларини ўз вақтида олдиндан тўлаш ва яқуний тўловнинг тўлиқлиги учун жавобгардир.

“Буюртмачи” “Бажарувчи”га кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаганда кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 % миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиккан сумманинг 50 % дан ошмаслиги керак.

6.2. “Бажарувчи” “Буюртмачи”нинг олдида почта жўнатмасини олиш ҳуқуқига эга бўлган олувчиларга ўз вақтида ва тўлиқ етказиб бериш учун жавобгардир.

“Бажарувчи”нинг ходимларининг айби билан почта жўнатмалар ўз вақтида етказиб берилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Томонларнинг шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

VII. Форс-мажор

7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар, агар улар фавкулотда вазият, яъни берилган шароитларда фавкулотда ва муқаррар ҳолатлар (форс - мажор) натижасида юзага келган бўлса.

7.2. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган Томон зудлик билан бошқа Томонга мажбуриятнинг бажаришга тўсқинлик қиладиган ҳолат тўғрисида ёзма равишда хабар бериши шарт. Фавкулотда вазиятлар тугагандан сўнг, Томон бу ҳақда бошқа Томонга хабар беришга мажбур.

VIII. Мунозараларни ҳал қилиш

8.1. Шартномани бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш пайтида Томонлар ўртасида юзага келган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш, одатда музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал қилиш тўғрисида иқтисодий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Яқуний қондалар

9.1. Шартнома Томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бири томонидан унинг шартлари жиддий бузилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

9.2. Шартномага киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Қонунда белгиланган тартибда киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.4. Мазкур шартнома "Томонлар"нинг ваколатли шахслари имзолаган, Молия вазирлигининг Ғазначилиги руйхатидан ўтказилган қундан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабрь гача амал қилади. Томонларнинг қўшимча келишувига асосан шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.

9.5. Шартнома икки нусхада, ҳар бир Томон учун биттадан нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхаси ҳам тенг юридик кучга эга.

Томонларнинг ҳуқуқий манзиллари ва реквизитлари

“БУЮРТМАЧИ”:

“БАЖАРУВЧИ”:

Анж. виш. Тиракет бошев,
Анж. виш. А. Талмуратов 5.
УИН 306332089

Уногара Банк Ш.Ф.
10000003401704590
2021 йил 10 ой 00068



Анж. виш. Тиракет бошев
Анж. виш. А. Талмуратов

